



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 30.09.2022 г. № 12

между ООО "MUXAMEDOV-RADJABOV" и Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси на общую сумму 209100000,00

Глава _____ 054
Казначейский лицевой счёт _____ 100022860062127073101054001

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---------------------------------|--|--|--|-----------------------|
| | 4232200 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | 209 100 000,00 | | | 209 100 000,00 |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| Всего за год | 209 100 000,00 | | | 209 100 000,00 |

Всего 209100000,00 сум

Двести девять миллионов сто тысяч сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 62730000,00 сум или 30,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в Сентябрь мес. 2022 г.

Руководитель заказчика



М.П.

(подпись)

Ражабов Шухрат Журабоевич

Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Саидов Достон Бўстон ўғли

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения _____

(подпись)

Получил работник заказчика _____

(подпись)

« ___ » _____ 20 ___ г.

« ___ » _____ 20 ___ г.

П У Д Р А Т Ш А Р Т Н О М А С И № 12

« 30 » сентябрь 2022 йил

Вобкент тумани

«**Muxammedov-Radjabov**» МЧЖ (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан ўзининг устави асосида иш юритувчи рахбари **Ш.Сафаров** тимсолида, бир томондан ва **Вобкент туман Тиббиёт бирлашмаси**, номидан ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи рахбари **Ш.Ражабов** тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича «Пудратчи» «Буюртмачи»нинг буюртмасига ва тузилган смета лойиха ҳужжатлари асосида Вобкент туман **Вобкент ТТБ тез ёрдам биноси зинасини жорий таъмирлаш (2-этаб)** ишларини бажаришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

1.2 Ушбу шартноманинг умумий суммаси тузилган смета лойиха ҳужжатларидан келиб чикиб **209 100 000.00 (Икки юз тўққиз миллион юз минг) сўм** ташкил этади.

2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

2.1.«Буюртмачи» томонидан тақдим» қилинган ҳужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг қиймати **209 100 000.00 (Икки юз тўққиз миллион юз минг) сўмни** ташкил қилади.

2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши «**30**» сентябрь 2022 йил.

2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти «**16**» октябрь 2022 йил.

3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. Шартномадаги 4.1 бандида курсатилган авансни «Пудратчи» олгандан сунг таъмирлаш ишларини бошлайди. 2.3 Узбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 22 апрел 2021 йилдаги 684-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага қура,30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тулаш назарда тутилган

3.3. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган таъмирлаш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.4. Таъмирлашни тухтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган хар қандай қамомат ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.5. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сунг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

4. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

4.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи **209 100 000.00 (Икки юз тўққиз миллион юз минг) сўмни** ташкил этади. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га тузиладиган дастлабки қўшимча шартнома нархининг 30% еки **62 730 000.00 сўм** миқдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов **2022 йилнинг сентябрь** ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилингандан сунг амалга оширилади. Якуний туловнинг миқдори **146 370 000.00 сўмни**, яъни келишилган сумманинг 70% фоизини ташкил этади ва бу якуний тулов **2022 йил 31 декабргача** амалга оширилади.

4.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.3. «Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошиқча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

4.4.«Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.5.«Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошиқча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Шартнома баҳоси **209 100 000.00 (Икки юз тўққиз миллион юз минг)** сўм бўлган таъмирлаш ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

5.2. Махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилади.

5.3. Ҳар ҳафтанинг душанба кунда жорий ҳафтада бажарилган таъмирлаш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт. Агар таъмирлаш мазкур шартномада кўрсатилган

муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлайди:

Буюртмачи томонидан объектни уз вақтида ишга тушириш буйича мажбуриятлар бузилган бўлса Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб борилган ҳар бир кун учун мажбурятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тугрисида 2-сонли далолатномани тузади..

6. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Шартномада курсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» махсус ҳисоб-рақамидан ҳар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нарҳини 0,04% миқдорида «Пудратчига» жарима тўлайди.

6.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

6.3. «Буюртмачи» тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ 2-сонли далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади

7.КОРРУЦИЯГА ҚАРШИ ҚОИДАЛАР

7.1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни (давлат органи ёки ташкилотнинг номи) ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкӣ наф олиш учун қуйидаги ҳаракатларни қилмайди:

пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;

товламачилик қилиш;

пора сифатида пул тўлаш;

бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар қўрилишига қафолат беради.

7.2. Агар шартнома бўйича бир Томон (давлат органи ёки такшлотининг номи) ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиқ ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган ишонч телефони;

Телеграм-канални (“@xxxxxxxxxxxx”);

(давлат органи ёки такшлотининг номи) расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

8.ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

8.1.Барча ишлар тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техника шартларига мувофиқ барча ишларини бажариш сифатини;

уз томонидан қурилиш (таъмирлаш) учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, консрукция ва тизимлар сифатини уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларига, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва фойдаланиш қафолатли даври аниланган камчиликлар ва нуксонларни уз вақтида бартараф қилишини;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбаб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиш олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан 2022 йил 31 декабр кунига қадар этиб белгиланади.

Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, 3 улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврида узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаси қайд этилади.

Агар Пудратчи белгиланган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, камчиликларни далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг 4- бўлимида назарда тутилган қафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

8.2 Ушбу шартнома асосида қелиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан иқтисодий судларида ҳал этилади.

9.ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Мазкур шартнома 2022 йил « 30 » сентябрдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик қучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

10. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ ҚУЧГА КИРИШИ

10.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек бюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишиги оид шартномалари мажбурий тартибда Газначилиқда руйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин қучга қириши назарда тутилган

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

“Muxammedov-Radjabov” МЧЖ

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Бухоро т, Откучи МФЙ

Тел./факс: 91 977 04 04

х/в: 20208000105071950001

Банк номи: Ипотекабанк Сардор ф-л

МФО: 00119 СТИР: 306394004

ОКОНХ:

Раҳбар: Ш.Сафаров
(Ф.И.Ш)



«БУЮРТМАЧИ»

Вобкент туман Тиббиёт бирлашмаси

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Вобкент ш. Тадбиркорлар №50А

Тел./факс: 33-21-570

ш/хв*: 100022860062127073101054001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 201408290

ОКОНХ: 91500

Ғазначилик бўлинмаси номи: Вобкент тумани

бўйича Ғазначилик бўлинмаси

Ғазна х/в: 23 402 000 300 100 001 010

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шахри

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРи: 201 122 919

Раҳбар: Ш.Ражабов
(Ф.И.Ш)



**Yuridik ahamiyatga ega hujjatlarni qonun hujjatlariga muvofiqligi
to'g'risida huquqiy xulosa**

1. Loyi haning turi: Shartnoma

2. Loyi haning nomi:

Vobkent tumani Tibbiyot birlashmasi va Muxammedov Rajabov MCHJ o'rtasida tuzilgan 209.100.000 so'mlik pudrat shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Mazkur loyiha Vobkent tumani Tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022-yil 30-sentabr markazga taqdim etilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuristkonsulti
30.09.2022 yil.



E.Husenov